O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 29 март, № 60 (3859) Чоршанба

ПРЕЗИДЕНТ СЕУЛГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 март куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди. Бу Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига тўртинчи ташрифидир.

— Изчил мустаҳкамланиб келаётган Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг кўлами тобора кенгаймоқда, — деди Ислом Каримов Сеулга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда. — Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 38 фоизга ўсиб, 564 миллион АҚШ долларига етгани бунинг тасдиғидир. Шу вақтга қадар Корея Республикаси томонидан юртимиз иқтисодиётига киритилган сармоянинг умумий ҳажми бир миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимизда Корея Республикаси сармояси иштирокида ташкил этилган 138 қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Улар машинасозлик, савдо, енгил, кимё, озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш, турар жой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига ихтисослашган.

Ўн йилдан буён Андижон вилоятининг Асака шаҳрида фаолият юритаётган енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи "ЎзДЭУавто" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳам ўзаро ҳамкорлигимизнинг салмоқли самараларидандир.

— Жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан таълим, соғлиқни сақлаш каби йўналишларда ҳам алоқаларимиз изчил ривожланмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Хусусан, мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида қурилган кўпгина коллеж ва академик лицейларни зарур ускуналар билан таъминлаш учун Корея Республикаси томонидан 70 миллион доллар ажратилган. Мазкур ташриф асносида эса Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бўйича амалга оширилиадиган мақсадларга 30 миллион доллар миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш бўйича шартнома имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ташриф мобайнида 15 ҳужжат имзоланиши мўлжалланган. Улар асосида юртимизга киритиладиган Жанубий Корея сармояси ҳажми бир миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Имзоланиши режалаштирилган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги ҳужжат айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳужжатнинг имзоланиши халқаро майдонда муҳим воқеа ҳисобланади.

Президентимизнинг ушбу давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб, янги босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА КЕЛДИ

СЕУЛ. 28 март (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи бошланди. Сеулга етиб келган мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳга жойлашди.

Президентимизнинг мазкур ташрифи доирасидаги асосий музокаралар ва тадбирлар 29-30 март кунлари бўлиб ўтади.



СУРАТЛАРДА: давлат ташрифидан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Кеча пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари ташкилоти (ФАО) билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида уюштирилган минтақавий семинар иш бошлади.

Минтақавий семинар

Икки кун давом этадиган ушбу халқаро анжуман "Марказий Осиё мамлакатларида ҳайвонларнинг чегара билмай тарқаладиган касалликлари назорати" мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Эрон, Покистонда ветеринария соҳасида иш юритаётган мутахассислар ва ФАОнинг Марказий Осиё минтақасидаги лойиҳа раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. Жўраев очди.

БМТнинг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари ташкилоти аграр тармоқ, сув хўжалиги, балиқчилик ва ўрмончиликни ривожлантиришга ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилашга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Республикамиз мазкур нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлганига тўрт йилдан ошди. Ўтган йилнинг август ойидан бошлаб унинг "Марказий Осиё мамлакатларида ҳайвонларнинг чегара билмай тарқаладиган касалликлари назорати" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг асосий мақсади қора молларда учрайдиган чегара билмас касалликларни назорат қилиш бўйича мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга кўмаклашишдир.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг аксарияти уй ҳайвонлари боқиш билан шуғулланади. Чорва моллари эса вақти-вақти билан касалликка чалиниб туради. Ўлат, оқсил, парранда гриппи ва бошқалар шулар сирасига киради. Касалликларнинг баъзи турлари эса чегара билмайди, улар нафақат жониворларга, балки одамларга ҳам юқиши мумкин. Шу боис уй ҳайвонларида учрайдиган бундай касалликларга қарши курашни кучайтириш керак. Зеро, ҳеч бир давлатнинг чорвачиликдаги ушбу офатларни қўшнилари ёрдамисиз бартараф этиши қийин. Хусусан, ҳозир дунёда кенг тарқалиб бораётган парранда гриппини олиб кўрайлик. Агар жаҳон ветеринарлари бу борада ҳамкорликда кураш олиб боришмаганда, ундан кўрилаётган зарар янада кўпайиши шубҳасиз эди.

Бугун семинар ўз ишини давом эттиради.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Дўст ва ҳамкор мамлакат

Корея Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини тан олган илк давлатлардан ҳисобланади. Икки давлат ўртасида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий-ҳуқуқий соҳада дўстона, тенг шерикчилик муносабатлари ўрнатилган. Ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий асоси давлатлар ўртасида имзоланган халқаро шартномалар ҳамда келишувларда ҳам ўз ифодасини топган. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикалари ўртасида имзоланган Капитал маблағларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Эркин ҳаракат қилиш тўғрисида ўзаро тушуниш меморандуми, Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Иккиёқлама солиқ солинишининг олдини олиш ҳамда Даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисидаги кўплаб муҳим ҳужжатлар фикримиз далилидир.

Корея Республикасининг ҳозирги конституцияси 1987 йил референдум йўли билан қабул қилинган. Бошқарув шаклига кўра, Корея президентлик республикасидир (конституцияга мувофиқ, давлат бошлиғи — президент). Корея Республикасининг илк конституцияси 1948 йил 17 июлда қабул қилинган. Аммо кейинги конституциялар ва уларга киритилган тузатишлар нафақат унинг таркибий қисмининг ўзгаришига, балки Жанубий Корея сиёсий тизимига ҳам жиддий ўзгартиришлар киритди. Жанубий Кореянинг ҳозирги сиёсий тизими ўтган асрнинг 80-йилларида шаклланган.

(Давоми 2-бетда).

ХОНАДОН ЧОРВАСИ

РЎЗҒОРГА БАРАКА КИРИТАДИ

Қарор ва ижро

Қишлоқ одамларининг чорвачиликка меҳри ўзгача. Гарчи бизнинг оиламиз асосий даромади ҳам деҳқончиликдан келса-да, ҳеч қачон қўрадан қўй-қўзи, қорамол аримаган. Отамнинг «Мол — рўзғорнинг баракаси, ҳовлисида иккита жонлиғи бўлмаган оила ёлчимайди» деган гаплари сира эсимдан чиқмайди. Ҳозир шаҳарда яшасам ҳам, ҳовлининг бир чеккасида албатта иккита қўй бўлади.

Буни бежиз эслаганим йўқ. Бугун аҳолининг шахсий хўжалигида чорва моллари тобора кўпаймоқда. Кимки шу соҳага меҳр қўйса, бой-бадавлат бўлиб, иқтисодий имкониятлари ҳам ошиб бормоқда. Айниқса, қашқадарёликлар хонадонида етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари вилоят ҳудудидан ташқаридаги бозорларда ҳам ўз харидорини топаётгани дилда ғурур уйғотади.

— Биз ошхонамизда фақат Қашқадарёдан келтирилган қўй гўштини ишлатамиз, — дейди тошкентлик тадбиркор танишимиз. — Яйловда боқилган қўйнинг гўшти ширин. Бунинг устига, нархи ҳам қиммат эмас.

Пойтахтдаги «Супермаркет»нинг пештахтасига териб қўйилган сариёғ ва пишлоқнинг энг кўримлисини сўрасак ҳам, сотувчи «Қашқадарёдан келтирилган» дея жавоб қилди. Бундан кўнглимиз янада кўтарилди.

Хўш, вилоятда чорвачиликнинг ривожланишига қайси омиллар сабаб бўлмоқда?

Энг аввало, аввалги хўжаликлар ўрнида деҳқон ва фермер хўжаликлари пайдо бўлганлигини таъкидлаш лозим. Яна бир муҳим омил — бу аҳолининг шахсий хонадонидаги чорва моллари сони ошгани. Кўпчилик оилалар чорвачилик билан жиддий шуғулланиб, деҳқон хўжалиги тузишди. Улар ҳам молли, ҳам ерли бўлиб, айни кунларда юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қўшхабар

Қўшма корхона ишга тушди

Нукус туманида йилига 30 миллион дона халқаро сифат стандартларига жавоб бера оладиган ғишт ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. «Дунтай-Ақманғит» деб номланган мазкур корхонада 150 киши иш билан таъминланди.

Шунингдек, хитойлик ҳамкорлар янги қўшма корхона тасарруфида қуёш нурида ишлайдиган кичик иссиқхонани ҳам барпо этишди.

Элликқалъада «Фермермаркет»

Элликқалъа тумани марказида Қуйи Амударё воҳасида қалдирғоч «Фермермаркет» очилди. Туман фермерларига нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан техника воситалари ҳамда механизмларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмлари, минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари етказиб берадиган мазкур савдо масканида айни кунда 800 турдаги маҳсулот мавжуд. «Қирқизободтаъмир» ва туман МТП масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган «Фермермаркет»нинг тез орада яна 2 та шохобчасини очиш ҳам кўзда тутилган.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАТАНГА МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН



Жаҳон ва Осиё чемпионатларида спортчиларимиз шарафига мадҳиямиз янграб, юртимиз байроғи сарбаланд бўлиши одатий ҳолга айланиб қолди. Бу, албатта, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор самарасидир.

Таиланд пойтахти Бангкокда муай тай бўйича якунланган жаҳон чемпионатидан вакилларимиз медаллар шодаси билан қайтиб келишди.

Кеча ғолиб спортчиларимизни Тошкент халқаро аэропортида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбарияти, уларнинг ота-оналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари катта тантана билан кутиб олишди. Жаҳон чемпионатида дунёнинг 46 мамлакатидан келган муай тай спорти усталари иштирок этди.

Андижон вилояти, Избоскан туманида туғилган Мавлон Қаҳҳоров ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб иккинчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганини кеча хабар қилган эдик. Айниқса, ярим финал ва финалда жаҳон чемпионлари Юрий Жуковский (Беларусь) ва Станислав Макиев (Россия)ларни катта устунлик билан енгганлиги мутахассису мухлислар олқишига сазовор бўлди. Қорақалпоғистонлик Азиз Эшниёзов, Тошкент шаҳридан Воҳид Толипов, Евгений Сверлов ва Бобур Хўжаевлар ўз вазн тоифаларида чемпионатнинг кумуш медаллари билан тақдирланишди. Самарқандлик Хайрулла Асатуллаев, андижонлик Ҳаким Зокиров ва тошкентлик Шерзод Шариповлар ўз вазн тоифаларида бронза медалларига сазовор бўлишди.

— Ўлим ўн икки ёшидан бошлаб шу спорт тури билан шуғулланади,—дейди чемпионнинг отаси Ҳабибулла Қаҳҳоров. — Шундан хурсандманки, у спорт билан шуғулланиб кам бўлмади. Уни тенгдошлари, маҳалламизда барча ҳурмат қилади. Ўндан зиёд мамлакатда бўлди. Укаси Мақсудбек ҳам унинг изидан бораяпти. Вилоят чемпиони бўлишга улгурди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Алишер РИСҚИЕВ(ЎзА) олган сурат.

Бевосита мулоқот

СИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИ ЭШИТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчилар транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва унга тегишли қарорлари, 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорлари аҳолига автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш соҳасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг янада аниқ йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу ҳужжатларда асосий эътибор аҳолига автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги билан, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар сизни ушбу Фармон ва Қарорлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёки умуман соҳага доир бошқа масалалар қизиқтирса, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда уюштириладиган бевосита мулоқотда барча саволларингизга

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи Абдураҳмон АБДУВАЛИЕВ жавоб беради.

Бевосита мулоқот шу йил 4 апрель куни соат 10.00 дан 12.00 гача 134-38-59, 144-47-28 телефонлари орқали ўтказилади.

Саволларингизни таҳририятнинг 136-36-65 телефони, 136-37-85 факси ёки info@xs.uz электрон почтаси, шунингдек, Агентликнинг avto_06@bk.ru электрон почтаси орқали олдиндан йўллашингиз ҳам мумкин.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК

ТАШАББУС УЧУН ИМКОН ЯРАТАДИ

"Маъмурий ислоҳотларнинг натижалари, — дея таъкидлади Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида, — авваламбор, бошқарув тузилмаларининг маъно-мазмуни ва мақсадларининг ўзгариши, уларнинг бошқарув ва назорат ваколатларининг кескин қисқартирилиши, керак бўлса, барҳам топиши, шунингдек, хўжалик субъектларининг ишига ноқонуний аралашувга, уларнинг фаолиятини чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик билан узвий боғлиқ".

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларидаёқ бошқарувда корхоналар хусусиятларига мос келадиган, уларга мустақиллик, иқтисодий эркинлик берадиган ташкилий-ҳуқуқий асослар барпо этилди. Ишлаб чиқаришни марказлаштирилган тартибда режалаштириш ҳамда ташкил этиш, молия, моддий-ашёвий ресурсларни юқори тақсимлаш тамойилидан воз кечилди.

Таъкидлаш жоизки, туб таркибий ўзгаришлар республика иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларини бошқариш тизимида амалга оширилди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ тармоқ вазирликлари уюшма, концерн, корпорация ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантирилди. Корхоналарга иқтисодий мустақиллик берилди. Улар ўз манфаатларининг муштараклиги асосида ана шу тузилмалар таркибига ихтиёрий равишда бирлашдилар. Юқори бўғин тузилмалари фаолияти эса асосан тармоқда ягона илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, ички ҳамда ташқи бозорлар коньюктурасини ўрганиш, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилди.

Ҳукумат йиғилишида айтиб ўтилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар марказ ва жойлардаги бошқарув органлари тузилмаларини такомиллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатди. 2001-2005 йиллар мобайнида бошқарув ходимларининг умумий сони 35,5 фоизга, жумладан, республика органларида 21 фоизга, маҳаллий бошқарув органларида 63,5 фоизга, хўжалик бошқарув органларида эса 30,5 фоизга қисқартирилди.

Тадқиқотларда аниқланишича, моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар, агар замонавий бошқарув усуллари жорий этилмаган бўлса, мавжуд салоҳиятнинг фақатгина 25 фоизини ишга соладилар.

Ана шу масалалар "Персонални бошқариш" фани томонидан ўрганилади. Инглизча "менежмент" атамаси билан номланиб келинаётган бу фан ютуқлари

Ислоҳот сабоқлари

компания ва фирмаларнинг самарали фаолият кўрсатишларида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда бу ютуқлардан маъмурий ислоҳотларни изчил амалга оширишда кенг қўлланилмоқда. Иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида мазкур фан бакалавриат ва магистратура ўқув дастурларидан ўрин олди. Юқори бўғин раҳбарлари малакасини оширишда ҳам бошқарувнинг замонавий услублари ҳақида мукаммал маълумот беришга эътибор кучайди.

Корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш кўпинча моддий рағбатлантириш омилларига боғлиқ, деб тушунилади. Аслида кам сарф билан кўп, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, катта фойда олишни таъминловчи бошқа кўплаб омиллар ҳам бор. Ходимларнинг ўз касби, хизмат вазифасига қизиқиши, билим доираси, малакасини ошириши, қўшимча касб эгаллаши, маънавий рағбат топиши, фаолиятидан шахсан қониқиш ҳосил қилиш ҳисси ва бошқа омиллар шулар жумласидандир. Изланувчан раҳбар замонавий бошқарувнинг мана шу ва бошқа кўпгина хусусиятларини мукаммал билиши, уларни амалиётда муваффақиятли қўллай олиши лозим. Шу боис "Персонални бошқариш" фани ютуқларидан республикамиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш, бу йўналишдаги илмий изланишлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда хорижий шериклар билан кўпгина қўшма корхоналар ташкил этилгани ва янгилари очилаётгани ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Менежерларимиз самарали фаолият юритиш учун бошқарув асосларини мукаммал эгаллашлари сув ва ҳаводек зарур. Умуман олганда эса, бу масала нафақат қўшма корхона, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Яратилган ҳуқуқий муҳит кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яқин истиқболдаги равнақи янада салмоқли бўлишига тўла ишонч туғдиради. Шунинг учун ҳам ўз ишларини бошлаётган, фаолиятини кенгайтираётган ишбилармонларни тизимли равишда замонавий менежмент , асосларига ўқитиш долзарб масала ҳисобланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда персонални бошқариш замонавий услубларини амалиётга кенг жорий этиш, менежерлар тайёрлашни янада такомиллаштириш бўйича мавжуд дастурларни янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу борада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, шубҳасиз, иқтисодиётимизда сифат ўзгаришларига эришишга хизмат қилади.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.



Бекобод туманидаги Фарҳод фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Бойзоқов Фурқат" фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 63 гектар майдонда ғалла парваришлашмоқда. Озиқлантириш, суғориш ҳамда бегона ўтларга қарши курашиш тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилаётгани боис, ғалла майсалари бир текис ривожланмоқда. Хўжалик етакчиси Фурқат Бойзоқов (суратда)нинг айтишича, насиб қилса, бу йил ҳосилдорлик кутилганидан-да юқори бўлади.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — КОНИ ФОЙДА

Энергетика соҳасида Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган давлатлар сирасига киради. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш эса мамлакатимизнинг энергетик мустақиллигини янада мустаҳкамлаш билан бирга қайта тикланмайдиган ноёб бойликларни келгуси авлодлар учун асраш имконини беради. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз айнан шу масалага тўхталиб, энергия ресурслари тежамкорлигини таъминлаш, бу борада анъанавий бўлмаган, муқобил энергия манбаларини кенг қўллаш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Хўш, айни пайтда бу борада мамлакатимиздаги аҳвол қандай?

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, республика Фанлар академияси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар энергиянинг муқобил турлари технологияларини жорий этиш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида "Эко-Энергия" илмий-татбиқий марказининг ташкил этилиши бу борада муҳим қадам бўлди.

— Мақсадимиз қайталанувчи энергия манбаларини топиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган, — дейди мазкур марказнинг ижрочи директори Мансур Зоҳидов. — Янаям аниқроқ айтганда, ноанъанавий энергия ресурсларидан фойдаланиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, муқобил манбаларнинг энергетик имкониятларини башорат қилиш ва шу борада намунавий қурилмалар яратиш, тажрибалар ўтказиш марказимизнинг асосий вазифасидир. Қувонарли томони шундаки, мамлакатимиз табиати, иқлим шароити муқобил энергиядан кенг миқёсда фойдаланиш имконини беради.

Бугунги кунда бутун дунёда энергия ресурсларининг танқислиги ва нархининг мунтазам ошиб бораётганлиги кузатиляпти. Жаҳон олимлари қайталанувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг янгидан-янги йўлларини изламоқдалар. Мисол учун, қуёш энергияси ёрдамида сув иситиш усули дунё миқёсида кенг қўлланилиб келинмоқда. Юз минглаб турар жойлар шундай сув иситиш қурилмалари воситасида энергия тежамли қилиб қурилган.

Юртимизда ҳам бу борада етарли амалий тажриба бор. Масалан, бир қанча биноларда ўзимизда ишлаб чиқарилган сув иситиш қурилмаларини синаб кўрдик. Натижаси ёмон бўлгани йўқ. Бу усулнинг анъанавий сув иситиш тизимидан қолишмаслиги амалда исботланди. Навбатдаги вазифамиз қишнинг совуқ кунларида ҳам самарали ишловчи муқобил сув иситиш қурилмаларини жорий этишдир. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатяп-

Фан ютуқлари — ҳаётга!

тики, пассив қуёш технологиясини қўллаш турар жой биноларида катта самара бермоқда. Бу билан иситиш учун анъанавий ёқилғига бўлган талабни мамлакатимиз иқлим шароитида бир неча баробар камайтириш мумкинлиги аниқланди.

"Эко-энергия" илмий-татбиқий маркази шу кунларда бир нечта намунавий энергия тежамкор уйларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича иш олиб бормоқда. Агар ушбу лойиҳа кенг йўлга қўйилса, бугунги кунда катта муаммо бўлиб турган уйжой коммунал хизматларининг арзонлашувини таъминлаш мумкин.

Яна бир тажриба қуёш энергиясини электр қувватига айлантирувчи фотобатареялардир. Бу қурилмалар юртимиздаги бир қанча қўриқхоналарда синовдан ўтказилганда, хоналарни ёритиш, маиший жиҳозлардан фойдаланиш учун етарли электр манбаини тўплаб бера олиши маълум бўлди. Кейинчалик бундай фотобатареялар янада такомиллаштирилса, уни қишлоқ жойларида ҳам кенг жорий этиш мумкин. Бу йил эса яна иккита қўриқхонада сойларнинг кинетик энергиясидан фойдаланиш имконини берувчи кичик ГЭСларни ҳам синовдан ўтказиб кўрмоқчимиз.

Муқобил энергетиканинг яна бир долзарб йўналиши атроф-муҳитни зарарловчи ҳар хил биологик чиқиндилардан табиий газга муқобил метан газини ишлаб чиқишдир. Бу масалада марказимиз етакчи олимлар билан ҳамкорликда олиб борган изланишлар ниҳоялаб қолди. Тез кунда фермер хўжаликлари учун кам маблағ талаб қиладиган биогаз қурилмаларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилади. Бу қурилма бешта қорамол ва ўнта қўйи бор фермер хўжалиги учун кунига 10-15 метр куб метан гази ишлаб чиқаради ва бу хўжаликнинг маиший талабларини тўла қондира олади.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошидаги Атмосфера институти билан ҳамкорликда ёнувчи метан олишнинг пиролиз усули бўйича, шунингдек, республикамизнинг тез-тез қайталаниб турадиган шамолли ҳудудлари учун шамол энергияси ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқувчи қурилмалар устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда юртимиздаги етук олимларнинг шу мавзуга оид илмий ютуқлари, амалиётга татбиқ қилишга лойиқ самарадор лойиҳалари ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Биз айтиб ўтган бу тажрибалар ҳали дастлабки босқичда. Ишончимиз комилки, кейинчалик мазкур лойиҳалар такомиллашиб, кўплаб соҳаларда оғиримиз енгил бўлади. Энг муҳими, биргина шу соҳани ривожлантириш билан кўп миқдорда қазилма ёқилғи бойликларини тежаш ва бунинг ҳисобига атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш мумкин.

"Халқ сўзи" мухбири Анвар САМАДОВ ёзиб олди.

Маърифат дунёсида

Шаҳрисабзда тарихчилар анжумани

Академик Я. Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 38-йиғилиши Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилди. Замонавий услубда таъмирланиб, ажиб бир чирой касб этган «Orient Star» уч юлдузли меҳмонхонаси залига мамлакатимизнинг таниқли тарихчи олимлари жамулжам бўлдилар. Семинар «Нахшаб-Қарши — жаҳон цивилизацияси тизимида» мавзуига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Т. Мирзаев, ЎзФА Тарих институти директори Д. Алимова, тарих фанлари докторлари Р. Сулаймонов, М. Исомиддинов, академик Ю. Буряков ва бошқа олимларнинг маърузаларида қадимий Нахшаб ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари, илк шаҳарсозлик маданияти, Насафнинг табиий хомашё ресурслари, шаҳар аҳолисининг этник хусусиятлари, мустақиллик йилларида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳақида янги маълумотлар, илмий хулосалар баён қилинди.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ва Қарши Давлат университети томонидан ташкил этилган бу илмий анжуман материаллари алоҳида рисола тарзида чоп этиладиган бўлди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Қосимов, вилоят ҳокими Н. Зайниев, Ўзбекистон Қаҳрамони, республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси А. Орипов иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

Халқаро тадбир

Самарқанд чет тиллар институтида "Нутқ лингвистикаси" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг етакчи тилшунос олимлари билан бир қаторда Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган тилшунослар ҳам иштирок этишди.

Анжуман доирасида ҳозирги кун тилшунослигидаги муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди. Жумладан, МДҲ мамлакатлари халқлари маданияти ва тили ўртасидаги ўзаро таъсир муаммолари атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, Москва педагогика институти профессори О.В.Фокина, қозоғистонлик олималар Т.Мирзалиева, А.Науризбоева, қирғизистонлик Н.Ортиқова ва ҳамюртларимиз С.Раҳимов, Ҳ.Неъматовнинг маърузалари қизғин баҳсу муҳокамаларга сабаб бўлди.

З.РАҲМАТОВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дўст ва ҳамкор мамлакат

Корея парламенти 273 депутатдан иборат бўлиб, "Миллий Ассамблея" деб аталади. Ваколат муддати — 4 йил. Депутатларнинг 6/5 қисми тўғридан-тўғри мажоритар сайлов тизими орқали кўпчилик овоз билан сайланади. Қолган қисми эса партия вакиллиги тизими билан, яъни пропорционал сайлов тизими орқали сайланади.

Корея қонунлари ҳамда давлат бюджетини парламент қабул қилади, шунингдек, президент томонидан юқори лавозимларга кўрсатилган номзодларни тасдиқлайди. Халқаро битимларни ратификация қилиш ҳам Миллий Ассамблея ваколатига киради. Корея парламенти бир йилда бир марта чақирилиб, қоидага асосан, сентябрдан декабргача фаолият юритади. Зарур ҳолларда эса парламентнинг қўшимча сессиялари ҳам ўтказилиши мумкин.

Давлат бошлиғи (президент) бир вақтнинг ўзида ҳукумат бошлиғи ҳамдир.

Республика Президенти мустақиллик, ҳудудий бирлик ва давлатнинг бўлинмаслигига, шунингдек конституциянинг муҳофазаси учун жавобгардир. У хорижий мамлакатларда давлат номидан иш кўради ва дипломатик вакилларни қабул қилади, халқаро битимларни имзолайди ҳамда мамлакатнинг олий бош қўмондони ҳисобланади. Бош вазир ҳамда бошқа вазирлар президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Расман Вазирлар Маҳкамаси ҳам тўғридан-тўғри президентга бўйсунади, яъни давлат бошлиғи исталган вақтда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида иштирок этиши ва унинг ишларини назорат қилиши мумкин. Ҳукумат парламент сайлангандан сўнг президент томонидан шакллантирилади. Кореяда вазир мақомидаги мансабдор шахслар сони 31 тани ташкил этишига қарамасдан, Вазирлар Маҳкамаси таркибига 16 та вазирликнинг раҳбарлари киради.

Мамалакатнинг суд тизими Олий суд ва умумий судлар, шунингдек, махсус ишлар бўйича олиб бориладиган суд тизимларидан иборат. Корея Республикасининг Олий суди аъзолари мамлакат президенти томонидан тайинланади. У Миллий Ассамблея тасдиғидан ўтгач расман ўз лавозимига киришади.

Олий суд қуйи даражадаги судлар томонидан кўрилган ишларга қарши апелляцияларни кўриб чиқади. Кореяда 103 та ҳудудий судлар, провинция судлари ва бошқа оралиқ судлар, шунингдек, махсус ишларни кўрувчи судлар (оилавий судлар, маъмурий судлар, ҳарбий трибуналлар ва бошқалар) мавжуд.

Кореяда 1988 йилдан эътиборан давлат ҳокимиятида Конституциявий суд амал қилиб, конституциявий назоратни амалга оширади. Унинг энг асосий вазифаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сингари, қонунлар ва давлат ҳокимияти органлари қабул қилган норматив ҳужжатларнинг конституцияга мослигини текширишдир. Конституциявий суд, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари қарорларининг фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солмаслиги устидан назорат олиб боради.

Кўриниб турибдики, Жанубий Корея Республикасининг ҳуқуқий тизими кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимига ўхшаш. Ушбу ўхшашликлар келажакда нафақат иқтисодий, маданий, сиёсий, балки икки томонлама ҳуқуқий алоқаларни ривожлантириш учун ҳам замин яратиши шубҳасиздир.

Нўъмон ҚАРДОШ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси.

ХОНАДОН ЧОРВАСИ

РЎЗҒОРГА БАРАКА КИРИТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумотларга қараганда, 2006 йил бошига келиб, вилоятда қорамоллар сони 700912 бошга, қўйэчкилар 2231397 бошга, паррандалар 1391335 тага етган. Ўтган йили барча тоифадаги хўжаликларда 119134 тонна гўшт, 444664 тонна сут, 124517 минг дона тухум, 103599 та қоракўл тери, 3962 тонна жун етиштирилган. Бу — барча соҳаларда ўртача 10-12 фоиз ўсишга эришилди, дегани.

Ҳолбуки, қишлоқда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида ялпи чорвачилик маҳсулотлари ҳажмида қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши тобора камайиб бормоқда. Бултур уларда гўшт тайёрлаш 488 тоннага, сут 2114 тоннага, тухум 2747 донага, қоракўл териси 4399 донага, жун 106 тоннага камайганлиги шундан далолат беради. Бундан кўринадики, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги ўсиш асосан фермер хўжаликлари ва аҳолининг шахсий хўжалигидаги чорва моллари ҳисобига бўлмоқда. Уларнинг ялпи маҳсулот ҳажмидаги улуши 80 фоиздан ошиб кетгани фикримизнинг тасдиғидир.

Шу ўринда шахсий хонадонларда чорва молларини кўпайтириш Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. У киши Қашқадарёга биринчи раҳбар бўлиб келганларида вилоятда чорвачилик оғир аҳволга тушиб қолган эди. Олдинги раҳбар йил қурғоқчил келганлигини баҳона қилиб, хўжаликлардаги чорва молларини арзон-гаровга қўшни вилоятларга соттириб юбориб, кўп миқдорда чиқим қилишга йўл очиб берганди. Бу йўқотишнинг ўрнини тўлдириш осон иш эмас, албатта. Шунинг учун аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида шахсий хўжаликларда қорамоллар, қўй-эчкиларни кўпайтиришга зўр берилди. Уларда чорвани боқиш учун шароит яратишга киришилди. Давлат ва жамоа хўжаликларига аҳолининг чорва моли учун қўшимча ем-хашак етиштириш вазифаси топширилди. Ҳамма туманларда чорва озуқаси сотиладиган дастлабки дўконлар пайдо бўлди. Хонадонларда чорвачиликни ривожлантиришга бўлган бу рағбат бир неча йилда ўз самарасини берди.

Бугунги кунда вилоятда 387 минг хонадон у ёки бу даражада чорвачилик билан шуғулланиб келаяпти. Шахсий хўжаликлардаги чорва моллари сони, шартли молга айлантириб ҳисоблаганда, 718 мингдан ошиб кетди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оила фаровонлигини оширишда сигир, қўйэчки боқишнинг аҳамияти катта. Чорвачилик учун қулай имкониятга эга бўлган Деҳқонобод, Муборак, Чироқчи, Косон туманларида шахсий чорва молларидан келадиган даромад оила бюджетининг 75-80 фоизини ташкил этмоқда.

Миришкор туманидаги Қурама қишлоғида истиқомат қилувчи Ашурбой Шарипов чорвачиликдан ҳам даромад, ҳам обрў топаётган тадбиркорлардан ҳисобланади. Ҳозир унинг 168 бош қорамоли, 200 бош қўйи, 5 та туяси бор. Чорва озуқаси етиштириш учун деҳқончилик қиладиган 50 гектар ери ҳам мавжуд. Ўтган йили у «Кунжара ва шелуха ўзимдан чиқсин» деб, 20 гектар ерда пахта етиштирди.

Биз Ашурбой ака билан «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг вилоят босқичида учрашиб қолдик. У ушбу тадбирда қатнашаётган йигирмага яқин фермерлар орасида чорвачилик йўналишига ихтисослашган ягона тадбиркор эди.

— Чорвачилик — сердаромад соҳа, — деди у. — Лекин бизнинг даромадимиз деҳқонники сингари ҳисоб рақамимизда тўлиқ кўринмайди. Ўзимдан қиёс: ўтган йили 25 миллион сўм даромад олдим. Шундан 15 миллион сўми- соф фойда. Унинг фақат 4 миллион сўми чорвачиликдан келди. Бу — кўп эмас. Лекин қўрадаги молим кўпайди. Уларни пулга чақсак, қанча маблағ бўлади? Бунинг устига, сигирлардан соғиб олинаётган сутни қайта ишлайдиган кичик цехни ишга туширдик. 20 киши ишлаб чиқараётган қатиқ, қаймоқ, пишлоқ ва бошқа маҳсулотларимизга харидор кўп.

Вилоятда бундай чорвадорлар кўп. Хусусан, Нишон туманилик Шухрат Умаров, Касби туманилик Шавкат Турсунов шахсий ёрдамчи хўжаликларида 100-200 бошдан зотли қорамол боқиб, яхши даромад олиб келишаяпти. Статистик маълумотларга кўра, вилоят бўйича ҳозирда ҳар бир хонадонга ўртача 2 тадан шартли мол тўғри келмоқда.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда деҳқон ва фермер хўжаликлари етакчи ўринга чиқаётганлиги, ўз навбатида, тизимда жиддий таркибий ўзгаришларни амалга оширишни ҳам талаб этаяпти. Биз нималарни назарда тутаяпмиз? Чорвачилик билан шуғулланувчи 27092 та деҳқон ва 962та фермер хўжалиги ва аҳоли хонадонларидаги чорва молларига хизмат кўрсатувчи 216 та ветеринария пункти ташкил қилинди, 38 та наслчилик билан шуғулланувчи ихтисослашган корхона ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бироқ булар ҳали етарли эмас, албатта.

Шу боис вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Норменгли Худоёровнинг таъкидлашича, вилоятда 2006-2010 йилларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Бу концепцияда эса тараққий этган мамлакатларнинг чорвачилик соҳасидаги майда товар ишлаб чиқариш тажрибаси ва вилоятда эришилган натижалар ҳисобга олиниб, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар, биринчи навбатда, зотли наслдор молларни кўпайтириш, зооветеринария пунктлари ҳамда техник хизмат кўрсатиш шохобчалари тармоғини кенгайтириш, чорвачиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликларига тижорат банклари орқали ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини кескин ошириш, омихта ем ва бошқа озуқалар таъминотини яхшилаш орқали чорвачиликни янги поғонага кўтариш кўзда тутилган. Жумладан, шу давр мобайнида 52 та чорвачиликка ихтисослашган фермер, 25 мингта деҳқон хўжалиги, 5 мингта оилавий тадбиркорлик субъекти тузилади. Уларнинг ҳаммаси юридик шахс мақомига эга бўлади. Чорвадорларга хизмат кўрсатадиган 60 та зооветеринария пункти, 102 та омихта ем сотувчи дўкон, 41 та ветеринария дорихонаси ташкил этилади.

Айни чоғда чорвачилик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликлари учун 14016,4 гектар, шу жумладан, 5055,8 гектар суғориладиган ер ажратилади. Наслчиликка ихтисослашган 52 та фермер хўжалиги тузилиб, 2010 йилгача уларда 5396 бош қизилчўл, қора-ола, швед зотли наслли моллар етиштирилиб, аҳолига сотилади.

Маълумки, чорвачиликни ривожлантиришда ем-хашакнинг мўл ва сифатли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу масала ҳам эътиборда. Чунончи, 2005 йилда 24318 гектар ерда озуқа экинлари ўстирилиб, 260009 тонна хашак тайёрланган эди. 2010 йилга бориб эса, барча тоифадаги хўжаликларда парваришланадиган чорва молларини қишловдан беталафот олиб чиқиш учун 517570 тонна хашак талаб этилади. Бунга асосан экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

— Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Зоир Эшнаев, — бу йўналишда олиб бораётган ишларимизга қанот бағишлади. Чунки мазкур ҳужжатда зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилиши белгилаб қўйилган. Агар биз 2006-2010 йилларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш дастурини амалга оширсак, вилоят бўйича 58,2 минг нафар ишсиз фуқаро иш ўринлари ва доимий даромад манбаига эга бўлади, 21 минг кам таъминланган оиланинг даромади эса 2-2,5 баравар ошади.

Энг муҳими, Қашқадарё вилояти ўз аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига ўсиб бораётган талабини тўлиқ қондирибгина қолмай, балки қўшни ҳудудларга ҳам кўплаб маҳсулот етказиб бериш имкониятига эга бўлади. «Хонадондаги чорва молининг хосияти кўп, баракаси бор» деганларининг исботи эмасми бу?

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун Самарқандда «Ўзбек миллий кино санъати» кунлари очилади

Халқ қалбига йўл

Кино санъатида миллий руҳнинг устуворлиги, бадиий фильмларда азалий қадриятларни сингдириш ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади. Шу маънода тарихимизни ва бугунимизни ёрқин ифода этувчи янги-янги кино асарлари халқимизнинг маданий меросига айланмоқда.

Бугун кўҳна Самарқандда «Ўзбек миллий кино санъати» кунларини ўтказишга астойдил тараддуд кўрилаётгани бу соҳа ривожига эътиборнинг яна бир далолати дейиш мумкин. «Ўзбеккино» миллий агентлиги ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги мазкур тадбир ташаббускори бўлишди.

— Бундай тадбирнинг ташкил этилишидан мақсад миллий кино санъатимизнинг кейинги йиллардаги ривожи, эришилаётган ютуқлари билан халқимизни янада яқинроқ таништириш, — дейди «Ўзбеккино» миллий агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Қаршибой Элмуродов. — Кино санъати кунларининг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланаётганлиги миллий урф-одатларимиз, удумларимизга эътибор қай даражадалигининг ифодаси албатта. Асосийси, мухлислар кинотеатрларда фильмларни томоша қилиш билан бирга уларнинг муаллифлари, ижрочи актёрлар билан ҳам учрашадилар.

Белгиланган дастурга асосан Самарқанд шаҳри ва бир қанча туманлар марказидаги кинотеатрларда 12 та бадиий фильм ва 11 та ҳужжатли фильм намойиш этилиши режалаштирилаяпти. Улар орасида қисқа вақтда киномухлисларнинг севимли асарларига айланган «Эркак», «Хотира рашки», «Ўйин», «Дев билан пакана» каби фильмларнинг борлиги ҳозирданоқ самарқандлик томошабинларнинг ушбу тадбирга қизиқишини ошираяпти.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Бешафқат ўлим Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевни орамиздан олиб кетди. Нормурод Нарзуллаев 1934 йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Хўжаҳайрон қишлоғида туғилди. Аввал Қарши педагогика билим юртида, кейин Самарқанд давлат педагогика институтида таҳсил олди. Ўз меҳнат фаолиятини 1956 йилда бошлади. Самарқанд ва Қашқадарё вилояти газеталарида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб бўлиб ишлади.

Нормурод Нарзуллаев 1976-1981 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари, 1981 йилдан умрининг охирига қадар "Янги аср авлоди" нашриётининг бош муҳаррири сифатида фаолият олиб борди. У сермаҳсул ижод йўлини босиб ўтди. Унинг дастлабки шеърий тўплами "Суюнчи" номи билан 1965 йилда босилди. Қирқ йиллик ижодий фаолияти мабойнида "Сизни Ватан эркалар", "Меҳр чашмаси", "Зарафшон зарлари", "Уфқларда кўзларим", "Ёғду", "Севги сеҳри", "Тонг элчиси" каби йигирмадан зиёд шеърий тўплами, икки жилдлик сайланма асарлари, дунё адабиётининг Г. Гейне, Е. Евтушенко, Қ. Қулиев, И. Юсупов сингари таниқли намояндалари асарларидан қилган таржималари билан адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди. Шоирнинг шеърлари рус, немис, инглиз, ҳинд ва жаҳоннинг бошқа кўпгина тилларига таржима қилинган.

Нормурод Нарзуллаев драматург ва киносценарист сифатида ҳам самарали ижод қилди. Айниқса, қўшиқчи шоир сифатида шуҳрат қозонди. Унинг мустақиллик йилларидаги ижоди, истиқлолимизни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлари халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олди.

Нормурод Нарзуллаевнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. Унга 1998 йилда "Шуҳрат" медали, 2000 йилда "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвони берилди.

Таниқли шоир, моҳир ташкилотчи, таржимон ва муҳаррир, самимий инсон ва садоқатли дўст Нормурод Нарзуллаев хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.

Лизинга ҳам!

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Лот №1 — ичимлик суви билан таъминлаш:
Лот №1-1. «Навоий вилояти, Конимех тумани, «Чордара», Ҳ.Олимжон ва «Шуркуль» ш/хда хўжаликлараро сув тармоқларининг қурилиши (2-босқич)».
Лот №1-2. «Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Қалқонота ва Тошработ қишлоқлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш».
Лот №1-3. «Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, «Ижанд» ш/хдаги Дегрез ва Ижанд қишлоқлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш».
Лот №1-4. «Навоий вилояти, Нурота тумани, Қизилча ва Кўшқудуқ қишлоқлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш».
Лот №1-5. «Навоий вилояти, Хатирчи тумани хўжаликлараро сув таъминоти (3-босқич)».

Объектларнинг қурилиш муддати — 2006 йил 3-чорак якуни.

Буюртмачи — Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Телефон/факс: (436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати қурилиш учун — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Спорт

Бадиий гимнастикачиларимиз – Францияда

Спортнинг нафис турларидан саналган бадиий гимнастика юртимизда яхши ривожланмоқда. Бугун уч минг нафарга яқин қизларимиз шу спорт билан шуғулланишади. Халқаро спорт майдонларида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам салмоқли бўлаётир.

Кеча мамлакатимиз терма жамоаси Франциянинг Тье шаҳрида ўтадиган Гран при туркумига кирувчи халқаро турнирга жўнаб кетди. Улар орасида нуфузли мусобақаларда тажриба тўплашган Алесия Ашаева, Жамила Раҳматова ва Зарина Хидировалар бор.

Ўз мухбиримиз.

Майдонда фақат қизлар

Жиззахдаги алоқа ва транспорт касб-ҳунар коллежи спорт залида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ўқувчи ва талаба қизлар жамоалари ўртасида волейбол бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, волейбол федерацияси томонидан уюштирилган мусобақаларга вилоят Халқ банки бошқармаси ҳомийлик қилди.

Икки кун давом этган беллашувларда Жиззах Олимпия захиралари коллежи волейболчи қизлари барча тенгдошларидан устун чиқишиб, вилоят чемпиони бўлишди. Жиззах Давлат педагогика институти талабалари иккинчи, Зарбдор тумани ХТБ қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчи қизлари учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ғаллаорол тиббиёт коллежи жамоаси аъзоси Мафтуна Тошболтаева «Томошабинлар меҳрини қозонган спортчи» деб тан олинди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

MTS GSM

UZDUNROBITA first cellular

«УЗДУНРОБИТА» КОМПАНИЯСИДАН

БАҲОРГИ ТАКЛИФ!

SUPER

ЯНГИ ТАРИФ РЕЖАСИ!

$0.07 (кунига) абонент тўлови

БЕПУЛ тармоқ ичида кирувчи алоқа

$0.02 (1 дақиқа учун) тармоқ ичида чиқувчи алоқа

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА $0.04 (1 дақиқа учун)

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган

HYUNDAI Official Partner

«DONG NAM MOTORS CO. LTD.» официальный дистрибьютор HYUNDAI MOTOR COMPANY

SANTA FE — дизель 2000 см³ в рассрочку на 6 месяцев при наличии банковской гарантии.
Первый взнос — 60% от стоимости автомобиля.
Для юридических лиц.

г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24.
Тел./факс (998-71) 152-17-25.
e-mail: hdnuz@yahoo.com
www.uzbekistan.hyundai-motor.com

«SANTA FE» — дизель 2000 см³
СЕДАН ПРЕДСТАВИТЕЛЬСКОГО КЛАССА

В РАССРОЧКУ

Цена – 49 990 000 сум.

Товар сертифицирован

ПРЕДСТАВЛЯЕТ: Sonata NF, Elantra XG, Tucson, Santa Fe, Terracan, Coupe, Matrix, H-1 (Starex)

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ВА ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

автомобиль транспортига оид қонунлар, қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш юзасидан, шунингдек, ташувчи ёки мижоз сифатида ўзингизни қизиқтирган бошқа барча саволлар билан

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИнинг

www.uzaart.uz веб сайтига ҳамда агентлик ва унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ҳудудий бўлимларига мурожаат қилишингиз ва керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Бу ерда сиз автомобиль транспортида фаолият кўрсатиш учун лицензиялар олиш ва қайта расмийлаштириш имконига ҳам эга бўласиз. Ҳудудий бўлимларимиз манзиллари:

- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги: Тошкент ш., У. Юсупов к., 3-уй, тел.: 144-30-63, 41-14-17.
- Тошкент вилояти бўлими: Тошкент ш., «Олмалиқ ҳалқа» к., 1-уй, тел: 98-39-86.
- Сирдарё вилояти бўлими: Гулистон ш., А. Навоий к., 64-уй, тел: 25-15-84, 25-24-26.
- Жиззах вилояти бўлими: Жиззах ш., «Тошкент» к., 1-«А» уй, тел: 4-12-31, 6-16-30.
- Андижон вилояти бўлими: Андижон ш., А. Йўлдошев к., 30-уй, тел: 24-32-33, 24-17-23.
- Фарғона вилояти бўлими: Фарғона ш., ал-Фарғоний к., 52-уй, тел: 24-53-81, 24-35-37.
- Наманган вилояти бўлими: Наманган ш., Н.Намангоний к., 20-уй, тел: 6-27-58, 6-27-89.
- Самарқанд вилояти бўлими: Самарқанд ш., А. Темур к., 69-уй, тел: 33-71-12, 33-31-38.
- Навоий вилояти бўлими: Навоий ш., А. Навоий к., 5-уй, тел: 4-68-91.
- Бухоро вилояти бўлими: Бухоро ш., Шнейдер к., 1-уй, тел: 5-08-59, 5-08-39.
- Қашқадарё вилояти бўлими: Қарши ш., «Ғузор» к., 12-уй, тел: 7-00-72.
- Сурхондарё вилояти бўлими: Термиз ш., М. Қошғарий к., 42-«А» уй, тел: 3-73-14, 3-57-85.
- Хоразм вилояти бўлими: Урганч ш., «Хонқа» к., 62-уй, тел: 5-58-56, 5-47-52.
- Қорақалпоғистон Республикаси бўлими: Нукус ш., А. А. Досназаров к., 62-уй, тел: 2-47-08, 2-47-09.

маҳсулот сертификатланган «Indesit» компаниясининг Ўзбекистондаги РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОРИ

УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАРНИ ўзаро манфаатли шартларда ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

«Indesit» савдо маркаси алоҳида жойлашган ҳолда ҳам, бирор асбоб (мослама) ичига ўрнатилган ҳолда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган техникани тавсия қилади.

STINOL INDESIT

Сиз ҳордиқ чиқаринг, ўрнингизга биз ишлаймиз

Телефон: 132-44-40;
Моб. тел. 176-25-23,
Факс: 132-44-46.
E-mail: tehno@union-space.com
Мулоқот учун шахс: Баҳодир Жўраев

Гувохнома №001031

PENTAX

PENTAX for your precious moments

Открылся официальный сервисный центр по сервисному обслуживанию эндоскопов PENTAX (Япония) на территории Республик Узбекистан, Таджикистан и Туркменистан.

СЕРВИСНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ ВЫПОЛНЯЕТСЯ СЕРТИФИЦИРОВАННЫМ ИНЖЕНЕРОМ

Официальное эксклюзивное представительство в Москве
119435 Москва, Саввинская наб.,15
Тел.: +7(095) 258-42-92
+7(095) 258-42-94
Факс: +7(095) 258-42-93
E-mail: pentax@east.ru,pentax@online.ru
www.pentax-med.ru

Узбекистанское представительство
Узбекистан, 700115 Ташкент, ул. Чиланзарская, д.53 а
Тел.: (+99871) 173-62-03
Факс: (+99871) 173-62-02
Заидов Шерзод Алишерович
E-mail: Info@pentax-uzmed.com
www.pentax-uzmed.com

ТИЛ – МИЛЛАТ ТАРИХИ КЎЗГУСИ

Пиримқул Қодировнинг "Тил ва эл" номли янги илмий асари ҳақида ўйлар

Ўтган йилнинг ниҳоясида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг «Тил ва эл» китоби китобхонларга тақдим этилди. "Тил ва эл" — миллатимизнинг Туронзаминда неча минг йиллардан буён пойдор эканлигини адабий тил тарихи воситасида илмий исбот этишга йўналтирилган фундаментал мазмун-моҳиятли асардир.

Китобнинг илк саҳифаларида милоддан аввалги VII асрларда яратилган Алп Эр Тўнга ҳақидаги достон миллатимизнинг тарихий-маънавий илдизларидан бири сифатида олиб қаралади. Афсуски, илм-фанда ҳозирга қадар Алп Эр Тўнгани реал тарихий шахсдан кўра кўпроқ афсонавий шахс, деб қараш устунлик қилиб келаяпти. Ҳатто ҳозирги айрим олимлар Алп Эр Тўнга ҳақидаги шеърий ёдгорликни ўзбек адабий тилининг илк намуналаридан, деб қарашни ҳам қабул қила олмайдилар. Бир қарашда, улар ҳақдай.

Чунки бу қадимги асар парчаларини бугун биз мутахассис туркшунос олимлар таржимаси кўмагида ўқияпмиз. Лекин, шу билан бирга, "Тил ва эл" китобида айтилганидай, "Алп Эр Тўнга" достонида ўнлаб сўзлар борки, улар ҳозирги ўзбек тилида ва кенг халқ муомаласида мавжуд. Мана шу битта далилнинг ўзи бу қадимги достон миллий адабий тилимизга сарчашма эканлигини англатади.

Китобдан ўрин олган навбатдаги илмий бадиада XI-XII асрларда яшаб, ижод этган буюк сиймо Аҳмад Яссавий ва унинг миллий адабий тилимиз ҳамда адабиётимиз тарихидаги маҳобатли ўрни таҳлил этилади. "Тил ва эл" китобида таъкидлаб кўрсатилганидек, Аҳмад Яссавий ҳикматлари туркий тилдаги донишмандликни тасаввуф ғоялари билан бойитиб, миллий бадиий тафаккурни янги поғонага кўтарди.

Шу билан бирга, Аҳмад Яссавий ўз замонида она тилимизнинг ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Бироқ ҳозирги даврдаги айрим тадқиқотчилар (масалан, турк олими К. Ераслан) "Яссавий ҳикматларининг тили ўзбек адабий тили эмас" деган фикрда. Пиримқул Қодиров бундай фикрларни асосли равишда рад этади ва бундай қарашлар билан баҳсда П. Қодиров "Тил ва эл" китобида илгари сурган фикрлар ўзининг мутлақо илмий холислиги билан ажралиб туради. Адиб-олимимиз ҳақ: тил ривожини хонлар, ҳукмдорлар номи билан боғлаб талқин этиш мутлақо асоссиз. Тилни халқ яратади ва халқ ривожлантиради.

Агар миллий тил ва адабиёт ривожига ҳукмдорлар кўрсатган таъсир тўғрисида гап очиладиган бўлса, бундай эътирофга соҳибқирон Амир Темур даҳоси кўп жиҳатдан муносибдир. Аввало, Амир Темур ва темурийлар даврида миллий ўзликнинг кучайганлиги туркий тилдаги адабиётнинг кучайишига шароит яратди. Қолаверса, Амир Темур ўз даври муаррихларидан оддий, ҳамма учун тушунарли тилда тарихий асарлар яратишни талаб қилди. Унинг ўзи оддий халқ тилида "Темур тузуклари"дай нодир асарни дунёга берди. Амир Темур ибрати туркий тилдаги адабиётга қанот бағишлади.

Айни шу тарихий даврда туркий шеърият равнақ топдилар. Бу далил Яссавий қайси халқ фарзанди эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Китобда миллий адабий тил тарихининг яна бир қатор жиддий муаммолари кўтарилган. Масалан, илм-фанда кўп йиллардан буён "Чиғатой тили", "Чиғатой адабиёти", ёки "Қорахонийлар адабий тили", "Олтин Ўрда адабий тили", "Олтин Ўрда — Миср адабий тили" деган қарашлар ҳукм суриб келади. Жумладан, таниқли туркшунос олимлар Э. Н. Нажип, А. Н. Самойловичларнинг туркий тилларга бағишланган китобларида шундай атамалар учрайди. Бундай қарашлар билан баҳсда П. Қодиров "Тил ва эл" китобида илгари сурган фикрлар ўзининг мутлақо илмий холислиги билан ажралиб туради. Адиб-олимимиз ҳақ: тил ривожини хонлар, ҳукмдорлар номи билан боғлаб талқин этиш мутлақо асоссиз. Тилни халқ яратади ва халқ ривожлантиради.

Агар миллий тил ва адабиёт ривожига ҳукмдорлар кўрсатган таъсир тўғрисида гап очиладиган бўлса, бундай эътирофга соҳибқирон Амир Темур даҳоси кўп жиҳатдан муносибдир. Аввало, Амир Темур ва темурийлар даврида миллий ўзликнинг кучайганлиги туркий тилдаги адабиётнинг кучайишига шароит яратди. Қолаверса, Амир Темур ўз даври муаррихларидан оддий, ҳамма учун тушунарли тилда тарихий асарлар яратишни талаб қилди. Унинг ўзи оддий халқ тилида "Темур тузуклари"дай нодир асарни дунёга берди. Амир Темур ибрати туркий тилдаги адабиётга қанот бағишлади.

Айни шу тарихий даврда туркий шеърият равнақ топди. Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби миллий даҳолар ўзбек тилини буюк тиллар қаторига кўтарди. Алишер Навоий ўзбек адабий тилини баркамол мумтозлик даражасига эриштириш йўлида бебаҳо хизматлар қилди. Бизнинг назаримизда, Навоий ижодиёти буюк бир лисоний устахонани эслатади. Улуғ шоир, аввало, ўз ижодида жамики туркий халқларнинг тил бойликларидан кенг фойдаланди. Мутафаккир шоир, шунингдек, "Қуръон" ва ҳадислар тили бўлган араб тилидан, форс тилидан неча минглаб сўзларни ўзлаштириб, адабий тилимизга олиб кирди. Улар жамулжам ҳолда, ўзбек адабий тилининг лексик, семантик ва эстетик имкониятларини беҳад кенгайтирди. Пиримқул Қодиров "Алишер Навоий — ўзбек адабий тилини мумтозлик даражасига кўтарган сиймо" деб аталган йирик бадиада ана шундай қарашларни илгари суради.

Алишер Навоийдан кейин Бобур Мирзо ўзбек адабий тилининг мумтозлик мақомини янада такомиллаштирди. Бобурнинг шеъриятидаги тил Навоий тилига нисбатан анча содда, жонли сўзлашув тилига яқин. Бобур Мирзо шеъриятида реализм янги чўққиларга кўтарилди. Бу шеърият — мураккаб, гоҳида ўта қайғули, аммо ҳамиша матонатли руҳиятнинг кўзгусидир. Бобур ҳатто тақдиридаги "юзи қаролиғ" кунларни ҳам шеъриятдан яширмади. Мардона, реалистик услуб, айниқса, "Бобурнома"да буюк куч-қудратини намойиш этди. "Бобурнома" — миллий адабий тилимизнинг дурдоналаридан биридир. "Тил ва эл" китобида айтилганидек, "Бобурнома" тилининг куч-қудратини ҳатто хорижий мутахассислар ҳам завқланиб эътироф этадилар.

Китобдаги сўнгги митти бадиа "Мумтозлик шарофати ва масъулияти" деб аталади. У китобга "Хотима сўз" тарзида берилган бўлса-да, лекин ўзбек адабий тилининг бугунги мавқеи, мумтоз адабий тилимизнинг ўлмас анъаналаридан самарали фойдаланиш асосида замонавий ўзбек адабий тилини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида сўзловчи махсус қисмдай таассурот уйғотади кишида.

Хуллас, "Тил ва эл" китоби катта меҳнат самарасидир. Олим-адибимиз унинг устида ишлаш жараёнида ўтмишда ва ҳозирги кунда ўз ватанимизда яратилган, шунингдек, бошқа Марказий Осиё давлатларида, Туркияда, Ғарб давлатларида, Россияда ўзбек адабий тили ва адабиёти билан боғлиқ нимаики катта-кичик манбалар, маълумотлар мавжуд бўлса, уларнинг деярли барчасини астойдил ҳафсала билан тўплаб, мушоҳада асосига айлантирди. Бунинг устига, ҳар бир манба ва маълумотга холис ва илмий асосли ёндошган.

Албатта, ушбу асарни янада мукаммаллаштириш мумкин ва керак. Бу борада китобнинг пойтахтимиз Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тақдимот маросимида айтилган таклиф ва истаклар асосида муаллиф уни яна бир марта астойдил кўриб чиқишига тўғри келади. Шу ўринда биз ҳам айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Китобнинг 26-бетида "Демак, "Алп Эр Тўнга", "Билге ҳоқон", "Қутадғу билиг" ва "Девони луғотит-турк" асарлари туркий тилнинг бир ярим минг йилдан (?) ортиқ давом этган ривожи ҳақида тасаввур беради" дейилади. Аслида эса, "Алп Эр Тўнга" достони милоддан олдинги VII асрда яратилганлигини назарда тутсак, туркий адабий тил тарихи 2700 йилдан ортиқ даврни ўз ичига олган бўлади. 24-бетда "Тошга йўндириб (?) ёздиришни" дейилган. Бизнингча, "Тошга ўйиб ёздириш" дейилса, мантиқ аниқроқ чиқарди. Китобда "тариқини" сўзини "тўриқини" деб, имловий хато билан ўтказишдай ҳолатлар ҳам учрайди. Қайта нашрга тайёрлаш жараёнида бундай камчиликлар ҳам бартараф этилса, китоб янада мукаммаллик касб этади.

Михли САФАРОВ.

— Лайлагимиз яна қайтди, болажон!

Рашид ГАЛИЕВ сурат-лавҳаси.

Газетхонлар ижодидан

Ғазал

Ўшал қорли ўжар қишни
сен ортда қолдириб келдинг,
Ёзиб кўм-кўк поёндозлар
Сочиб анбарларинг, Наврўз.

Бўлиб масрур, кулиб юзлар,
баҳор, куйинг ҳамма дилда.
Қўшиқ айтиб, кулиб-ўйнар,
гўзал дилбарларинг, Наврўз.

«Тановор»у, «Қора кўзлар»,
«Муножот», авжида ялло,
Кўнгилларни очар бўлди
«Алиқамбар»ларинг, Наврўз.

Бу оламга нафосатни
келиб, ҳадя этар бўлдинг,
Ғазал бирла кутар Мансур,
тутиб соз, торларинг, Наврўз.

Мансур АБДУЛЛО.
Қўқон.

Қишлоқда туғуруқхона бўлими

Пастдарғом туманидаги Чархин қишлоқ шифохонаси қошида янги туғуруқхона бўлими очилди. Икки қаватли ушбу замонавий бинонинг барпо этилишига 360 миллион сўм маблағ сарфланди. Туғуруқхона қурилишига бир неча тадбиркор ҳам муносиб ҳисса қўшди. Сарфланган маблағнинг 30 фоизи улар улушига тўғри келди.

Туғуруқхона замонавий жиҳозлар, энг зарур тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланди. Бу билан чархинликларнинг туман ёки вилоят марказига қатнашларига ҳожат қолмади.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали
МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА
ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90,
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Ўзбекистонда биринчи марта!
СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ЖУРНАЛИ
ёки «Журнал налогоплательщика»га обуна бўлар экансиз, ноёб лойиҳа иштирокчисига айланасиз!

Агар сиз бизнинг нашримизга обуна бўлсангиз, электрон почта орқали солиққа тортиш масалалари бўйича тезкорлик ила бепул маслаҳат олишдек ноёб имкониятни қўлга киритасиз.

Бунинг учун саволингизни қуйидаги манзил: serviscentre@nalog.uzга юборсангиз бас, ҳамкорларимиз — Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Ахборот-маслаҳат сервис марказининг юқори малакали мутахассислари энг қисқа муддатларда унга батафсил жавоб қайтарадилар.

Эслатиб ўтамиз, таҳририятга мурожаат қилган муштарийларимиз бепул электрон почта (E-mail) қутисини ва унга жўнатилган иқтисодиёт ва солиққа тортишга оид барча ҳужжатларни оладилар.

Бундан ташқари, 2006 йил мартидан бошлаб хоҳловчилар «Журнал налогоплательщика»нинг тўла электрон версиясига ёзилишлари мумкин. У таҳририят томонидан текинга тақдим этиладиган E-mail почта қутиси бўйича қоғоз версияси дунё юзини кўришидан бир ҳафта илгари жўнатилади. Айни пайтда мазкур қутига улар чиққан куниёқ, барча қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар тезкорлик билан юборилади.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти ва солиқ тизимини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни таҳририят тақдим этадиган E-mail электрон почтасига тезкор жўнатишга обунани расмийлаштириш мумкин.

Обунани расмийлаштириш масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз: 700195, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 21.
Тел.: 133-02-67; 133-60-06; 199-70-84.

TURKISTON BANK
«ТУРКИСТОН» ХОАТИБ
ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.
«Туркистон» банки — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

«HUQUQIY MADAD»
адвокатлик-маслаҳат фирмаси
2006 йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишга қўл урди.
МАСОФАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ
Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган, фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга бевосита хат ва электрон почта (e-mail) орқали ҳуқуқий муносабатларда юзага келган турли мураккабликдаги саволларга ёзма равишда жавоб беради.
"HUQUQIY MADAD" адвокатлик-маслаҳат фирмасида фаолият юритувчи барча адвокатлар юқори малака ва тажрибага, шунингдек, адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус лицензияга эга.
Мурожаат учун почта манзиллари — хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, бош почтамт, абонент қутиси №375 e-mail: hmadad@sarkor. uz ва huquqiy_madad@yahoo. com
Хизматлар лицензиялаган

NOBEL
Шифокорлар ва фармацевтлар диққатига!
"NOBEL PHARMSANOAT" ЧЭК янги дори воситаларини эътиборингизга ҳавола этади!
NOBEL

Маҳаллий таъсирга эга бўлган замбуруғларга қарши дори воситаси
Таъсир этувчи модда: Нистатин
Дори шакли: 48 дозали суспензия тайёрлаш учун кукун 100.000 ТБ/ 1 мл
ЎзРССВ томонидан қайд этилган № 05/642/1

Кенг таъсир доирасига эга, замбуруғларга қарши дори воситаси
Таъсир этувчи модда: Итраконазол
Дори шакли: Қутида 100 мг ли 4 капсула
Қутида 100 мг ли 15 капсула
ЎзРССВ томонидан қайд этилган № 05/642/2

«NOBEL PHARMSANOAT» ЧЭКнинг барча маҳсулотлари махсус голограмма билан ҳимояланган.

NOBEL
Ўзбекистон Республикаси, 700060 Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 23
Тел: 1331301, 1331314, 1338891, Факс: 1360120
Website: www.nobel.uz; e-mail: info@nobel.uz

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 31 март, жума куни чиқади).

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши партия ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоевга падари бузруквори
МУТАЛИБЖОН ҳожи отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик Авария-қутқарув ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари полковник Зариф Тошбоевга падари бузруквори
МАЪРУФ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламентлараро муносабатлар қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоевга падари бузруквори
МУТАЛИБЖОН ҳожи отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zgeoburguneftqazibchiqarish» акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси компания бош директорининг ўринбосари Эшназар Соатовга падари бузруквори
АБДУРАЙИМ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси Пульмонология ва клиник аллергология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Абдулла Убайдуллаевга опаси
СОБИРА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг нафақадаги ходими
Азизхўжа ИБРОҲИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6